# ШОИРНИ ЭСЛАБ...

Ўтган улуғ сиймоларни эслаш эзгу удумларимиздан. Ана шу удумга риоя қилиб, ҳассос шоир Ҳамид Олимжонни бир нафас бўлса-да, ёдга олсак...

Мустабид тузум йилларида "халқ душмани"га чиқарилган ёзувчилар эл-юрт эътиборини қозонган ҳозирги кунларда Ҳамид Олимжон сингари буюк шоирларни камдан-кам тилга оладиган бўлдик. Ҳолбуки, бундай шоирлар эллик-юз йилда дунёга бир марта келади. Ҳамид Олимжон туғма шоир, ноёб шеърий истеъдод эгаси бўлган. Унинг ижоди XX аср ўзбек шеъриятининг энг юксак чўққиларидан бирини ташкил этади. Агар шеърият, аввало, гўзал туйғулар фавворасн бўлиб, бизнинг қалбимиз ва шууримизни поклаш иқтидорига эга бўлса, шундай хусусият Ҳамид Олимжон шеъриятида жилва қилиб туради. Ўзбек шеъриятининг бугунги юксакликка эришишида унинг хизматлари оз эмас. Бор-йўғи 35 йил яшаб, миллий адабиёт тарихида Ҳамид Олимжондек чуқур из қолдирган шоирлар жаҳон адабиётида бармоқ билан санарлидир.

Аммо биз бугун Ҳамид Олимжонни бутунлай бошқа бир муносабат билан эсламоқчимиз.

...1944 йилнинг июли. Ҳамид Олимжон бир неча қаламкаш дўстлари билан Дўрмонга — ёзувчиларнинг янги ташкил этилган Ижод боғига йўл олади. Ўз юртлари ҳали озод этилмаган қардош ёзувчиларнинг оилаларини Дўрмондаги жамоа хўжалиги озиқ-овқат билан таъминлаб турарди. Шу куни, ваъдага мувофиқ, мол сўйилиб, унинг гўшти қардош адибларга тақсимланиши режалаштирилган эди. Шоир ушбу хайрия тадбирида қаламкаш дўстларининг ҳам иштирок этишларини хоҳлади.

Шоирлар кечга яқин минг азоб билан етиб келдилар. Оқшом дам олиб, 2 июл кунини ҳам ўша ерда ярим қилдилар. Ҳамид Олимжон рафиқасига берган ваъдасига кўра, шу куни қайтиши лозим эди. Дўст-ёрлари қанчалик қистамасинлар, у оёқ тираб олди. Йўлда алламаҳалгача улов топишнинг иложи бўлмайди. Ниҳоят, анча вақтдан кейин устига хотин-халаж ортган "Студабеккер" келиб, улар имоси билан тўхтади. Ширакайф ҳайдовчи йўлма-йўл яна одам олишда давом этди. Бир жойга келганда у тормоз беролмай, йўл чеккасида тўхтаб қолган юк машинасига урилиб кетмаслик учун машинани зарб билан сўлга буради. Йўлда турган машинани энди айланиб ўтган ҳам эдики, рўпарадан, чанг-тўзон орасидан одам ортган арава чиқиб қолади. "Студабеккер" аравага урилди-ю, ҳайдовчи ҳалокат юз бермасин, деб машинани яна сўлга буради. Машина йўлдан чиқиб, ариққа тушиб кетади. Ширакайф ҳайдовчи шериги билан эшикни шарт очиб, урра қочадилар. Эгасиз қолган машина қалдираб ва шалдираб, чанг-тўзон кўтариб, симёғочга бориб урилади. Уни синдириб ўтиб, катта бир дарахтга бориб тегади-да, ён томонига ағдарилади. Ҳамид Олимжон оғир, жуда ҳам оғир шикастланади.

Бу мудҳиш воқеа ҳукумат боғининг яқинида содир бўлади. Совуқ хабар тарқалиши билан боғда ҳордиқ олаётган раҳбарлардан бири шифокорлар билан бирга бир зумда етиб келади. Майиб бўлган шоирни енгил машинага ўтказиб, ҳукумат шифохонасига олиб боради. Аммо 3 июл куни оташқалб шоирнинг чақноқ кўзлари бир умрга юмилди. 4 июл куни марҳум шоирни Санъат музейи ёнидаги Биродарлар қабристонига дафн этдилар.

Орадан бир қанча йиллар ўтгач, қайси бир хорижий "советшунос"нинг "енгил қўли билан" Ҳамид Олимжоннинг ўлими КГБ томонидан уюштирилган, деган гап ҳам тарқалади. Лекин, юқорида кўрганимиздек, унинг ўлими бахтсиз тасодифнинг оқибати бўлган.

Ҳамид Олимжон дафн этилган Биродарлар қабристони 1917 йил воқеаларига қадар "Александр боғи" деб юритилган. Ўша йили "инқилобий курашлар"да ҳалок бўлгани учун бу ерга 79 нафар ишчи ва аскар жасади дафн этилган. Кейинчалик 14 Туркистон сапёрининг хоки шу ерга кўчирилиб, дафн қилинади. Шу-шу бу ер Биродарлар қабристони деб аталиб, таниқли давлат ва жамоат арбоблари ҳам сўнгги манзилларини топадилар.

*Мангу лаҳза*

Яқинда европалик марҳумлар жасади Боткин қабристонига, Йўлдош Охунбобоев, Собир Раҳимов ва Ҳамид Олимжоннинг хоклари эса Форобий қабристонига кўчирилди. Ҳамид Олимжон узоқ йиллик ҳижрондан кейин севимли рафиқаси Зулфияхонимнинг бағрига қайтди. Эндиликда икки улкан шоир, муҳаббат оламининг бу икки мумтоз фарзанди Тоҳир ва Зуҳра, Лайли ва Мажнун сингари ёнма-ён абадий уйқуда ётибдилар.

**Наим КАРИМОВ**



Суратда: "Форобий" қабристонидаги Ҳамид Олимжон ва Зулфия сағаналари.

# "СИЗ ҚАЙДА..."

Қоянинг қоялиги ундан узоқлашганда билинади. Биқинида турганингда оддий тош ҳам қоя бўлиб туюлиши мумкин.

Зулфия ўзбекнинг маънавий қояларидан бири, шеркелбат шоираси эди. У ҳар бири бир олам бўлган буюклар олдида ижод қилди. Уларга муносиб ижодий сингил бўлди, чин эҳтиромларига эришди. Буюклардан бири Ғафур Ғулом шоирага "Бегим" унвонини берар экан — шеър "Зулфиябегимга" деб аталади — унинг эллик йиллик тўйида шундай ўлмас сатрларни битди:

***Муаззам Шарқ намоёндир сенинг покиза шонингда,***
***У бизнингдир, сенинг ахлоқу иффатга тўлиқ нозинг.***

Шу ерда мен "ноз" сўзининг фалсафий маъноси ва ҳиссий кўламини ҳис этдим. Аниқроғи, "аҳлоқу иффатга тўлиқ ноз"нинг. "Ноз" шикаста қалб ва ёниқ руҳ измида солланиб оқаётган Зулфия шеъриятининг асл моҳиятидаги белги эмасмикан, деган хаёлга ҳам бордим, беихтиёр.

У буюклардан бири — Ҳамид Олимжоннинг муҳаббатини қозонди. Маъшуқа муҳаббати, аёл севгисининг яратувчилик қудрати билан буюклик рутбасига эришган Ҳамид Олимжон учун илҳом парисига, жисмидаги жонга айланди.

Туйқусдан ёпирилган ҳижрон шоирага бир умрлик тақдир бўлди. Баъзан айтилганидек, балки айни шу ҳижрон шоирани буюклик поғонасига кўтаргандир. Балки ҳижрон Зулфия шеъриятининг қаър-қаърида азалдан бўлгандир. Дарвоқе, бунга шоиранинг ўз гувоҳлиги ҳам бор. У Александр Наумов билан суҳбатида "Ҳижрон кунларида" тўплами ҳақида сўзлар экан, дейди:

"Биласизми, шу китобни эслар эканман, ўйлаб кетаман, шоир меҳнатида қандайдир башорат, эртанги кунни аввалдан ҳис қилиш бордек... Менинг иккинчи, "Ҳарбий китобим"да аксарият ҳижрон ҳақидаги шеърлар ёзилганда Ҳамид Олимжон тирик эди — китоб корректурасини биргаликда ўқиганмиз. Китобнинг ўзини кўриш унга насиб этмади..." .

Балки ушбу азалий ҳижрон уни катта ижодкор ва катта инсонга эвриггандир. Зеро, ҳазрат Навоий айтганларидек:

**Кўнгулга футур ўлмайин, роз очилмас,**
**Садаф гар бутун бўлса, гавҳар сочилмас.**

Зулфия ҳам катта шоир, ҳам катта инсон эди.

Аллақачон ўз исботини топган ушбу фикрни илмий далиллаш учун бир мисол билан чекланаман. Биласиз, шоиранинг улуғ мусаввир Чингиз Аҳмаровга бағишланган "Қўшиқ" деб номланган шеъри бор. У, наздимда, нафақат Зулфия, балки ўзбек шеъриятининг шоҳ шеърларидан бири. Одатда, лирик шеър қаърида уни яратган одам, яъни муаллиф образи ўзига хос тарзда яширинган бўлади. У лирик қаҳрамонга қисман мос келса-да, ундан моҳиятан фарқ қилади.

Ушбу шоҳ шеър қаърида мен шоиранинг, йўқ, буюк бир инсоннинг қадди-бастини, ўктам қиёфа — образини кўрдим:

**Ҳижилдан сўз топмай маҳорат ва санъат наклига**
**Куйлолмай муносиб ва жозиб жарангли бир найда.**
**Бу ранг, бундай зид туйғулар жангини ақлга**
**Сиғдириб, баёнига саллоҳлик қайдаю,**
**биз қайда?**
**...Тасанно, маҳлиё, ташаккур сўзларин ёзишга**
**нур билан**
**О, суюк мусаввир —**
**Биздайин камина муҳлисда куч қайда,**
**Сиз қайда!?**

Қизиқ, гўзаллик ва буюклик қаршисида лол қолиб, уларнинг сеҳр-маҳобатини туйгач, ўз мағлублигини мардона тан олган қалб ўшалар қатори эҳтиромга, буюкликка сазовор, шунга муносиб бўлар экан.

Аристотел ўзининг "Метафизика" асарида дейди: "Ҳайрат ҳозир ҳам, аввал ҳам одамларни фалсафий фикр юритишга ундаб келган кучдир". Зотан, донишмандлик ҳайрат фарзанди. Ва унинг табиатида ҳис-туйғу азалдан мавжуд.

"Қўшиқ"да тиргак туйғу, жоиз бўлса, унинг демиурги — яратувчиси — ҳайрат. Зулфия ҳайратга тил ато этади. Шунда сўзлар ёлғиз маъноси билан эмас, жаранги, таровати, ҳидифори билан ишлаб, санъатнинг сирли-сеҳрли оламини кўримли — эшитимли — сезимли тарзда гавдалантира бошлайди. Агар мазкур шеър оқимида кечган поэтик жараённи номлайдиган бўлсак, унинг исми — "Ҳайрат кўзгусида акс этган буюклик" бўларди, ҳойнаҳой.

Назаримда, Зулфиянинг ўтмиш даврда эришган улкан ва ҳалол шон-шуҳрати ул зот шеъриятининг асл моҳияти томон йўлни бир қадар беркитгандай. Бу шеъриятга ботиний кўз ва руҳоний нигоҳ билан назар ташланса, ишонаманки, у шундай сир-синоатларини намоён эта бошлайдики, ҳайратдан ёқа ушлаб, шоирага жўровозлик билан:

**Биздайин камина мухлисда куч қайда,**
**Сиз қайда!?**

дейишимиз АНИҚ!

**Сувон МЕЛИ**

# ОШИҚ ҚАЛБНИНГ ДАРДМАНД ҚЎШИҒИ

Рамз Бобожон ҳозирги ўзбек шеърияти вакилларининг кекса авлодига мансуб — буткул ижоди мобайнида кўплаб тўпламлар, жилд-жилд сайланмалар эълон қилган. Бироқ унинг ўтган йили Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган "Сурайё юлдузидан шуълалар" тўплами уларнинг ҳаммасидан ажралиб туради. Ҳажми унча катта бўлмаган бу тўплам яна бир бор эски ва лекин эскирмайдиган бир ҳақиқатни исбот қилди — дард бор жойда шеърият бор. Асл шеърият шунчаки чечанлик эмас, шунчаки чиройли ташбеҳлару, маржон мисол тизилган садафдек сўзлар эмас. У биринчи навбатда ошиқ қалбнинг дардманд қўшиғи, ҳислар туғёни...

"Сурайё юлдузидан шуълалар" китобига шоирнинг Сурайё хоним ҳаётдан кўз юмгандан кейин ёзган шеърлари киритилган. Лекин шоир бу билангина чегараланган эмас. У бутун умри давомида севги-муҳаббат тўғрисида ёзган аввалги шеърларидан ҳам саралаб, ўзига маъқулларини китобхонга янгидан тортиқ қилган. Натижада, бу китоб икки инсон умрининг илк даврида туғилган, кейин ўсиб, кенгайиб, қанот ёзиб улғайиб борган, бир-бирига ҳамдард, ҳамнафас бўлиб қолган икки инсон ҳаётига мазмун ва маъно бахш этган буюк бир муҳаббатнинг поэтик тарихи даражасига кўтарилган. Шоир ёши бир жойга бориб қолганига қарамай, бу муҳаббати тўғрисида гапиришдан истиҳола қилмайди, аксинча, севгиси тўғрисида, ошиқ қалби ҳақида ошкора ғурур билан куйлайди. Негаки, унинг муҳаббати ёшликдаги жўш урган ҳислар жунбуши, юракларни энтиктирувчи висол онлари "оқ-оппоқ олмадай жонона" табассум қилиб тургандаги бўсалар лаззатигина эмас. Йўқ, бу тўпламда куйланган севги йиллар мобайнида оҳори тўкилмаган, бирон-бир гарди-ғубор юқмаган, қаримаган, ўзининг бокира поклигини сақлаб қолган муҳаббат. У ҳамиша олдинга чорлайди, юксакликка интилади, икки қалбни , икки инсон ҳаётини нурга тўлдиради, уларга ажиб бир тиниқлик бахш этади. Бу ишқнинг хитоби: "Эй юрак, ортгамас, фақат олға бос!" деган хитобдир. Шунинг учун ҳам шоир "Мен муҳаббат қулиман!"деб эътироф этишдан хижолат чекмайди, шунинг учун ҳам унинг муҳаббати шеър бўлиб қоғоз бетига тўкилади...

"Сурайё юлдузидан шуълалар"ни ўқиб чиққан китобхон яна бир карра амин бўладики, тозалик бор жойда ҳамма нарса ҳам тоза. Ҳақиқий муҳаббат нафақат икки қалбни бир-бирига пайванд қилғувчи олтин занжир, балки у шоир қаламига қувват ҳам бағишлайди, илҳом париси бўлиб, унинг сара сатрларининг туғилишида доялик қилади. Қизиқ, агар шоир қалбида чинакам севги жўш урса, унинг туйғулари чин бўлса, ҳисларини бировлардан қарз олган бўлмаса, сатрлари ҳам қуйма бўлиб бораверар экан. Натижада, шеърларда ҳам табиийлик ва самимият кучаяр экан ва у осонлик билан ўзгалар қалбига йўл очабилар экан.

Шоирнинг севгилиси қора кўзойнак тақади. Бу шоир қалбида ажойиб ўхшатишлар туғдиради:

**Шунча яширсанг ҳам кўзингни мендан,**
**Тун яшира олмаган юлдуздай ёниқ.**

Ёки ёри бетоб бўлиб қолганда бутун олам ошиқнинг кўзига шу бетоблик пардаси орқали кўринади:

**Кўкда на юлдуз бор, на бир табассум,**
**Табиат инграрди, йиғларди юм-юм...**

*Китобингизни ўқидим*

Севгига ошуфта қалб нафақат муҳаббат тўғрисида ўз сўзлари билан куйлайди, балки бутун олам, бутун ҳаёт унинг кўзига бошқача кўринади. У табиат манзараларини ҳам ўзига хос тарзда, бетакрор деталлар орқали кўз олдига келтиради. Энг муҳими — бу тасвирда сунъийлик ва мураккабликнинг йўқлигидир.

**Қош қорайиб, уфқ қизарди,**
**Ой хилватда, нурсиз чироқдай.**
**Юлдуз учиб чизиқ чизарди,**
**Янги кунга эски жумбоқдай.**

Юқорида айтилганидай, китобга шоирнинг сўнгги йилда ёзган шеърлари ҳам кирган. Бу шеърларда кутилмаган айрилиқ дарди, ҳижрон туйғулари жуда зўр куч билан ифодаланган. Бу ифодалар ҳам ғоятда табиий. Шоир фарёд чекади, лекин унинг фарёди шунчаки ўз жуфтини йўқотган қалбнинг адоқсиз ҳайқириғи эмас, балки гўзал тимсоллар, яна муҳаббатга йўғрилган поэтик образларда тажассум топган ибоpалардир.

**Хиёбон бағрига эгилдинг гулдай**
**Ва ўзинг ногаҳон гул бўлиб қолдинг, —**

дейди муаллиф.

Шоир айрилиқ изтиробини ифодалашга ҳам жуда ишонтирадиган, юракка санчиладиган ифодаларни топа олган:

**Лекин татимайди, сенсиз севгилим,**
**Неки бор ортиқдай туюлар менга.**
**Бир шарпа эртакдай туюлар менга —**
**Бу сенми ё менинг талпинган кўнглим...**

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улардаги тиниқлик китобхон қалбида ҳам алланечук илиқлик уйғотади ва инсон бошига мусибат тушган энг оғир дамларда ҳам муҳаббатга суянади, деган ишонч туғдиради.

Тўпламдаги шеърларда шоир инсон ҳаёти, унинг мазмуни, умр фасллари, кексалик ва ёшлик ҳақида кўп фикр юритади, бу фикрларини кўпинча ёрқин ташбеҳларда ифодалайди. Табиийки, у айрим ўринларда ёшлик даврини ҳам қумсайди ва ҳатто ёшлик ҳали ўтиб кетмаганини ҳам таъкидлайди. Негаки:

**Ёшлик ўтди десанг, бол ташир ари,**
**Капалак қаноти алвон-алвон ранг.**
**Ёшлик ўтди десанг кўнгил дафтари**
**Булбул чаҳ-чаҳига нечун ҳамоҳанг?**

Ҳа, ана шундай покиза ва тиниқ туйғуларни куйлай оладиган, ёшликдаги муҳаббатини ҳамон гард юқтирмай сақлаб келаётган, бу дунёни тарк этган севгилисининг ёрқин хотирасидан, ёдидан таскин топаётган шоирни кекса деб бўлармиди? Фақат, бутун умрлари давомида Сурайёхоним билан бирга тўқиган муҳаббат қўшиқларини куйлаб охирига етказиб қўйиш Рамз Бобожоннинг ўзига қолди.

**Озод ШАРАФИДДИНОВ**

*Доимий ҳамроҳ*




"Ҳажвий танқид, — деб ёзган эди улуғ адибимиз Абдулла Қодирий, — авомнинг руҳига яқин ва унинг ҳис этган, аммо ифода қила олмаган масалаларига таржимондир". Атоқли драматург Алп Жамол худди ана шундай авомнинг руҳига яқин асарлар яратди, унинг ичидаги дардларга таржимонлик қилди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриёти филология фанлари доктори, профессор Ҳафиз Абдусаматовнинг "Алп Жамол — драматург" номли китобини босмадан чиқарди. Монографияда адибнинг миниатюралар устаси эканлиги, моҳир драматург сифатида саҳна адабиётини тараққий эттиришга улкан ҳисса қўшгани ҳар тамонлама чуқур таҳлил қилинади.

Тадқиқотда Алп Жамолнинг тилдан фойдаланиш борасидаги маҳоратини, ёзувчи, томошабин ва телевидениенинг ўзаро ижодий ҳамкорликларини очиб беришга ҳам жиддий эътибор қаратилган.

"Алп Жамол — драматург" монографияси олий ўқув юртларининг филология факултетлари ва санъат институтларининг талабалари ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

# ВОҚЕЛИК ВА ХАЁЛОТ УЙҒУНЛИГИ

Тарих ғилдираги ҳамиша олдинга қараб айланади. Уни ҳеч қачон ортга буриб бўлмайди. Бироқ маълум бир жамиятда муайян даврда юз берган воқеа бошқа бир даврда, бошқа бир жамиятда қайсидир кўринишда такрорланиши мумкин. Тарихда бунга мисоллар кўп.

Исони чор михга тортган оломон билан Мансур Халложни дорга осган оломон ўртасида унчалик катта тафовут йўқ. Тафовут фақат вақт деб аталмиш сарҳаднинг кенглигида. Сарҳад эса кенг, чексиз, чексизлик эса абсурддир. Абсурд тушунчаси, энг аввало, ана шу вақт чексизлиги қаршисида лол турган инсон шуурини акс эттиради. Санъат инсон шуурини тадқиқ этар экан, қайсидир маънода абсурдни тадқиқ этади.

Санъат ва адабиётга турли даврларда турлича муносабатда бўлиб келинган. Баъзан санъатдаги ранг-барангликка тараққиётнинг асоси деб қаралган бўлса, баъзан уни инкор этганлар. Альбер Камю „сенсимончи"лар билан нигилистларнинг ёхуд марксчиларнинг санъатга муносабатида унчалик катта фарқ йўқ, дейди. Улар битта ақидага, яъни санъатни суд қилишга, унинг устидан ҳукм чиқаришга ҳаракат қиладилар. Шўро тузуми даврида бунга сўзсиз амал қилинди.

Мустақилликдан сўнг санъат ва адабиётга муносабат тубдан ўзгарди. Илгари фақат бир хил қолипда тадқиқ этилган асарлар энди турлича нуқтаи назарлардан туриб таҳлил этила бошланди. Турлича метод ва йўналишлар ҳақидаги тадқиқотлар пайдо бўлди. Муҳими, адабиётшунослик яна ўзининг азалий ранг-баранглигини кашф этди. Бу борада Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Иброҳим Ҳаққул, Аҳмад Отабоев, Баҳром Рўзимуҳаммад ва бошқа мунаққид ҳамда ижодкорларимизнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бироқ адабиётшунослигимиз ҳали ҳам, аксарият ҳолларда, бадиий ижодга бир хил муносабатда бўлаётгандай. Бадиий асарни бир хил қолипдаги мезон билан ўлчашга, у ҳақда узил-кесил ҳукм юргизишга мойиллик ҳали ҳам устундай. Зотан, бирор-бир бадиий матнни фақат мазмун ёхуд услубий жиҳатидан тўла-тўкис ёритиб бериб бўлмайди. Ҳар қандай бадиий асар комплекс ёндашувни талаб қилади. Асарнинг тили, услуби, методи ва мазмуни яхлит олингандагина таҳлил тўлақонли бўлади.

Яқинда газетада эълон қилинган „Абсурд маънисизликдир" ("ЎзАС", 2002 йил 27-сон) сарлавҳали мақолани ўқиб шундай мулоҳазаларга бордик. Мақола, асосан, Умарали Норматов ва Дилмурод Қуроновнинг кейинги пайтда эълон қилинган айрим мақолаларига жавобан ёзилган. Албатта, бугунги кунда бундай баҳс ва мунозаралар, тортишувлар жуда ҳам зарур. Чунки у ҳаммамизни фикрлашга, мулоҳаза юритишга чорлайди. Бироқ бундай мунозараларда „фалон йўналишдаги таҳлиллар тўғри, бошқачаси эса мутлақо нотўғри ва бизга ёт" деган кескин хулосалардан ўзимизни тийганимиз маъқулга ўхшайди.

Умарали Норматов ва Дилмурод Қуроновлар ўз чиқишларида Абдулла Қаҳҳор ва бошқа адибларимизнинг асарларини турлича нуқтаи назарлардан таҳлил қилишга уринишган. Бунга, мақола муаллифи таъкидлаганидек, табиий ҳол деб қарашимиз керак. Биз ҳам бу адиблар ижодидан абсурд асар намуналарини излашларга, айрим асарларини абсурд асар деб баҳолашларга қўшилолмаймиз. Чунки абсурд асар абсурд ижодни талаб қилади. Абсурд ижод йўқ жойда абсурд асар ҳам бўлмайди. Бироқ ҳар қандай бадиий асар турлича йўналишларда талқин қилинишини эса ҳеч ким чеклай олмайди. Бу ҳар бир адабиётчининг ихтиёридаги юмуш. Адабиёт ҳамиша турли–туман талқинларга муҳтож. Бу эса бирон-бир талқиннинг ҳукмрон талқин бўлишига изн бермайди.

Б. Саримсоқов ўз фикрларини қатъий хулосалар тарзида келтиради ва негадир XX аср жаҳон маданиятида тан олинган абсурд адабиётни „маънисиз адабиёт" деб кескин қоралайди: „Менимча уни ( Абдулла Қаҳҳор назарда тутилмоқда — Ж.Э.) маънисиз адабиётга (?), айниқса, субутсиз (?) экзистенциализм фалсафаси билан боғлагунча, соцреализм билан боғлаш ҳақиқатга яқин-ку."

Эҳтимол, атоқли ёзувчимизнинг ижоди ҳаммамиз кўникиб қолган бир хил методдан бошқачароқ талқин қилингани ҳурматли олимимизнинг бироз ғашини келтиргандир. Бироқ Абдулла Қаҳҳор каби улкан адибларимизнинг асарлари турлича талқинга изн беради. Айниқса, бугунги кунда бизга ана шундай ранг-баранг талқинлар жуда зарур.

„Улар, — деб ёзади Б.Саримсоқов Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, М.Муҳаммад Дўст, Т. Мурод, Х.Дўстмуҳаммад каби ёзувчиларнинг асарларини санаб ўтаркан, — реал воқелик (?), реал қаҳрамонлар (?), реал хронотоп (?) асосида яратилган..." У ҳолда бу адибларимизнинг ижодкорлиги қаёққа кетади? Ахир, ижодкорлик воқеликдан нусха кўчириш эмас, балки уни хаёл, кечинма орқали қайта идрок этиш, воқелик ва хаёлотни уйғунлаштиришда намоён бўлмайдими?! „Ҳеч қайси санъат, — деб ёзади Альбер Камю, — воқеликдан буткул узилиши мумкин эмас. Шаклпарастлик қиёфасиз ижодни дунёга келтиради. Шунингдек, хаёлот иштирокисиз қуруқ реализм ҳам тубанликка айланиб қолади. Ҳатто энг яхши фотосурат ҳам қуруқ реализмдан қочади, ҳатто у ҳам воқелик ва хаёлот қоришиб кетган манзарани излайди".

Абсурд асар тафаккур жараёни билан боғлиқ тушунча. Шу сабабли абсурд асар кўпроқ фалсафий моҳият касб этади. Инсон ҳамиша жумбоқ бўлиб келган. Бу „жумбоқ"ни ўрганиш эса ҳамиша абсурд саволларни, уларни ўрганиш эса абсурд ижодни юзага келтиради.

Абсурд — инсонни бадиий тадқиқ ва тасвир этишнинг бир усули, холос. Шу маънода абсурд маънисизлик эмас, аксинча, маънисиз воқеликдан қочиш, воқелик ва хаёлотнинг уйғунлигидир. Ф. Кафка, А. Камю, Ж.П. Сартр, С. Бэккет, Э. Сабота ва яна бошқа ўнлаб дунё адабиётида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган адибларнинг ижодида ана шундай уйғунлик намоён бўлганини кўрамиз.

*Танқидни танқид*

Мақола муаллифи яна бир ўринда: „Шарқ адабиёти, хусусан, ўзбек адабиётида абсурд асар агар энди яратилмаса, ҳозиргача учрамайди", деб ёзади. Тўғри, Шарқ адабиётида том маънодаги абсурд асар яратилмаган. Бироқ тасаввуф ва экзистенциал адабиётида воқеликка муносабат ҳамда уни бадиий идрок этишда ҳайратланарли даражада бир-бирига яқинлик мавжудлигини инкор эта олмаймиз. Тасаввуф ва экзистенциализмдаги бундай жиҳатлар алоҳида ва кенгроқ махсус муқоясани тақоза этади.

Б. Саримсоқов „Абсурд асар ижтимоий эстетик жиҳатдан арзийдиган ғоя ташимайди", деган қатъий фикрни илгари суради. Хўш, улар арзимайдиган ғоя ташир экан, нега дунёнинг кўплаб мамлакатларида севиб ўқилмоқда? XX асрда Нобель мукофотига сазовор бўлган ижодкорларнинг кўпчилиги шу оқим вакиллари эмасми?! Ёхуд уларнинг асарларини тузукроқ ўрганмасдан туриб „пуф сассиқ", деб бурнимизни жийиришимиз тўғрими? Наҳотки, социалистик реализм назарияси бизни бир умр таъқиб этса? Ақалли бугун, дунё ҳамжамияти билан теппа-тенг муносабатга киришган, ўз тафаккуримизни дунё тафаккурига мослаётган бир пайтда, эҳтимол, бундай бир томонлама ҳукмлардан ўзимизни тийишимиз керакка ўхшайди.

Экзистенциализм, абсурд, умуман, Ғарбнинг илғор, яъни модерн адабиётига бир пайтлар Совет Энциклопедияси ва адабиётшунослик терминлари луғатида бир ёқлама, мутлақо асоссиз баҳо берилган эди. Ҳар иккала манбада ҳам модернизм „нореалистик йўналишдаги", „шаклбозликдан иборат, халққа ёт" бир оқим сифатида таърифланганди. Мана орадан салкам ўттиз йилга яқин вақт ўтибдики, ҳамон онгимизда ўша таърифларни асраб келаяпмиз. Устоз Озод Шарафиддиновнинг шу газетада эълон қилинган суҳбатини ("Модернизм — жўн ҳодиса... эмас"), инобатга олмаганда, бу мавзуда ҳали шу пайтгача тузукроқ, асосли бир ижобий фикр билдирилмади. Аксинча, модернизмнинг „халққа ётлиги", унга тақлид қилмаслик, таъсирига тушмаслик тўғрисидаги тоталитар тузум пайтидаги мағзаваси чиққан фикрлар ҳалигача ўз „мева"сини бераяпти. Бундай фикрларни ўқиб шундай хулосага келиш мумкин. Бир ёқлама фикр билдираётганларнинг кўпчилиги ё илғор Ғарб адабиётини яхши тушунмаяпти ёки реалистик методни социалистик реализм методидан фарқлаб ололмаяпти. Ахир, модернистик методнинг туб моҳиятида воқеликка ўзига хос реалистик ёндашув ётганлиги кундай равшан-ку! Ёхуд энг реалистик асарларда ҳам воқеликка модернистик, яъни ноанъанавий ёндашувни кўрмаймизми?!

Мен Ғарбдаги ҳамма нарса гўзал, барчасини ёппасига кўр-кўрона ўрганиш, ўзлаштириш керак, деган тушунчадан буткул йироқман. Бироқ Шарқ ва Ғарб ҳақидаги тушунчаларимиз шўро давридаги тушунчалардан тамоман фарқланиши керак. Зеро, "Шарқ" ва "Ғарб" алоҳида-алоҳида тушунчалар эмас, балки яхлит ҳодисалардир. Чинакам ҳақиқат эса ана шу икки қутбларнинг бирлигидадир. Шунинг учун ҳам Чўлпон адабиётни Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи „олтин кўприк" деб атаган эди. Дарҳақиқат, Шарқ ва Ғарб қайси давр бадиий тафаккурида синтезлашган бўлса, ўша давр санъатида, албатта, ривожланиш рўй берган. Навоий, Чўлпон ва бошқа адибларимизнинг ижоди фикримизнинг далилидир.

Ғарбга тақлид қилмаслик керак деймизу, аммо бирор-бир тадқиқотчи ўзбек ёзувчисининг айнан қайси ҳикояси қайси ғарблик ёзувчи асарига тақлид туфайли юзага келганини асосли тарзда таҳлил қилгани йўқ. Бу борада фақат бир хил умумий гаплар такрорланаяпти, холос. Муайян асар ҳақида фикр юритганда бу асар тақлид доирасида қолиб кетганми ёки адабий таъсир туфайли бир етук бадиий асар юзага келганми, дея ўйлаб кўришимиз лозим бўлади. „Гулзор четидаги қуёш", „Алвон мато остидаги ҳаёт", „Суратдаги аёл", „Ўпқон", „Ёлғизлик" каби ўнлаб асарларнинг юзага келишида ғарб адабиётининг таъсирини кўришимиз мумкин. Бироқ булар тақлид даражасида қолиб кетган асарлар эмас. Аксинча, Шарқ ва Ғарб адабиётларининг синтези ўлароқ юзага келган, бадиий жиҳатдан пухта асарлардир. Зеро, бирор-бир адабиёт фақат ўз қобиғига ўралиб қолар экан, унинг эртаси, албатта, таназзул билан якун топади. Шу маънода, бугунги насрда Шарқ ва Ғарб адабиётининг қайсидир даражада синтези мавжуд экан, бундан фақат қувонмоқ даркор.

Бадиий ижоддаги миллийлик ва умуминсонийлик муштарак тушунчалардир. Миллийлик асар қаҳрамонининг дўппи кийгани, белига белбоғ боғлагани билан белгиланмайди. Ёхуд умуминсонийлик миллий заминдан узилишни англатмайди. Зотан, санъаткор ўзи мансуб халқнинг вакили бўлгани учун унинг тафаккурида, онгида кечган воқеалар шу халққа мансуб бўлади. Бирор-бир образнинг юзага келиши, бадиий воқеликнинг яратилишида ёзувчининг қайси халққа мансуб эканлиги муҳим аҳамиятга эга. Хаёл, яъни бадиий идрок ижодкорга қанчалик куч бағишлаган бўлса, у ўқувчи тафаккурига ҳам шунчалик таъсир кўрсатади. Ижодкорнинг кўнгил кечинмалари ва хаёллари, биринчи навбатда, миллий тафаккурга асосланади. Шарқ халқлари, жумладан, туркий халқлар мифологияси дунё бадиий тафаккурида алоҳида ўрин тутади. Буни жаҳоннинг кўплаб илғор ёзувчилари эътироф этишган. Фолкнер, Борхес, Гессе, Жойс ва Маркес каби адибларнинг мулоҳазалари фикримизнинг далилидир. Бироқ бугун биз „модерн" ёки ғарбга тақлид таъсирида юзага келган дея таъкидлаётган ҳикояларнинг асосида халқимизнинг қадим мифологик тасаввурлари ётганини кўпам илғайвермаймиз.

„Сотилган туш" номли ўзбек эртагини олиб қарайлик. Бу эртак туркий халқларнинг деярли барчасида учрайди. Унда эртак қаҳрамони ўртоғининг тушини сотиб олади-да, ана шу тушдаги бахтни излаб йўлга тушади ва ўз мақсадига эришади. Эртак бошдан-охир туш талқинига қурилган ва ҳам шаклан, ҳам мазунан модернча ҳикояларга шу қадар ўхшаб кетадики, кишини ҳайратга солади. Ёхуд эртакларимизда қаҳрамоннинг турли қиёфа касб этишини олайлик. „Аҳмадлар" номли эртакда эса қаҳрамон қиёфаси янада гўзалроқ, таъбир жоиз бўлса, „модерн" услубида намоён бўлади. Эртак қаҳрамони Аҳмад бир неча Аҳмадларга бўлиниб кетади. Бу бадиий шартлилик деб аталувчи тушунчалардан анча баланд турадиган адабий ҳодиса. Демак, воқеликка ўзгача ёндашув, уни акс эттиришда бадиий тасаввур, хаёл, фантазиянинг устиворлигини фақат ғарб адабиётига тақлидчиликдан излаш ноўрин. Миф, эртак, достонларимиздаги бадиийятни чуқурроқ илғасаккина жаҳон адабиётининг мураккаб туюлган сара асарлари бизга тушунарли, янгича усулда ёзилаётган асарларимизнинг илдизлари миллий тафаккуримиз билан чамбарчас боғлиқ эканлигини яхшироқ англаб етамиз.

Бугунги ва эртанги кун адабиёти ҳам инсон ким, у қаёқдан келди ва қаёққа кетаётир, деган саволларга жавоб излайди. Бу жумбоқларнинг жавоблари эса ранг-баранг бўлиши кутилаётир. Шу ранг-баранглик ичида абсурд адабиёти ҳам бўлиши табиий.

**Жаббор ЭШОНҚУЛ**

